

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ИМИДЖИНИНГ ЮКСАЛИШИДА ТАЪЛИМ ТУРИЗМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хашимов Ш.Ж.

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти,
ф.ф.б.ф.д. (PhD) доцент
90 227764 E-mail – *sheraxon64@mail.ru*

Аннотация

Мақолада Ўзбекистоннинг халқаро имиджи юксалишида таълим туризмининг тутган ўрни ва аҳамияти масалалари таҳлил қилинган. Жамият ҳаёти, ижтимоий ривожланиш жараёнига таълим туризмининг таъсири масалалари кўриб ўтилган. Таълим туризмининг таснифланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: Халқаро имидж, таълим туризми, ижтимоий ривожланиш, таълим туризмининг таснифланиши, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик.

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF EDUCATIONAL TOURISM IN IMPROVING THE INTERNATIONAL IMAGE OF UZBEKISTAN

RESUMI

The article analyzes the role and importance of educational tourism in the rise of the international image of Uzbekistan. Issues of the influence of educational tourism on the life of society and the process of social development are considered. Classification of educational tourism, issues of connection between them are studied.

Key words: International image, educational tourism, social development, classification of educational tourism, interdependence and relevance.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим туризмини ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Таълим туризмида билим олиш саёҳатнинг асосий мақсади сифатида эътироф этилади. Олий таълим муассасалари, университет ва институтлар, тил ўргатувчи мактабларда таълим олиш, турли таълим муассасаларига уюштирилган саёҳатлар таълим туризмининг асосий ўрганиш соҳаси бўлиб ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган таърифларга кўра, таълим олиш ва касбий тайёргарликни назарда тутувчи саёҳатлар қуйидаги кўринишдаги фаолиятларда акс этади: - қисқа муддатли курсларда таҳсил олиш; - расмий курсларда қатнашиш орқали касбий малака компетенцияларини эгаллаш. Бунда “таълим туризми” тушунчаси одатдаги муҳитдан фарқли бўлган бир йилгача муддатда маълум бир йўналишда саёҳат қилувчи ҳамда иқтисодий манфаатдорликни назарда тутмаган ҳар қандай фаолиятда ифодаланади⁴³.

Таълим туризми туризм соҳасининг серқирра турларидан бири сифатида тил ўрганиш, таълим олиш, малака ошириш, касб-хунар ўрганиш, анжуманларда иштирок этиш, спорт турларини ўрганиш каби кўп қирувчи ва чиқувчи таълим туризми йўналишларини ўз ичига қамраб олади. Мамлакатимиз

⁴³ https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/44_Makhmudova.pdf

туризмни ривожлантиришда ҳар қандай хорижий мамлакатдан қолишмайдиган имкониятларга ва ҳали рўёбга чиқмаган салоҳиятга эга. Шу боис туризмнинг ушбу турини жадал ривожлантириш иқтисодий тараққиётда катта муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий омил ҳисобланади⁴⁴.

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини қўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишини ҳисобга олишимиз лозим⁴⁵. Маърифий туризм тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркибига таълим туризми тушунчаси ҳам киритилади. Бундан ташқари “таълим туризми” тушунчаси “маданий туризм”, “маданий ва экскурсион-когнитив туризм” каби тушунчалар билан ўзаро боғлиқдир. Таълим туризми туристик саёҳатлар мажмуаси, туристларни таълим олиш мақсади реализацияси, уларнинг бирор объектга қизиқишини ҳамда нарса, ҳодисаларни ўрганишга бўлган бошқа эҳтиёжларини қондириш йўналтирилган экскурсиялар мажмуаси, туристик саёҳатлар комплексини ўз ичига олади. Таълим туризми маълум таълим дастурлари доирасида сифатли таълим хизматларини олиш мақсадларига эришиш учун ихтисослаштирилган мамлакатлар ва минтақаларга шахслар, гуруҳлар томонидан ўтказиладиган саёҳатни ўзида ифодалайди.

2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг №ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниб, фармонга 1-иловадаги 35-мақсад: “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш. Тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларига кенг жорий қилиш. 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш⁴⁶, белгиланган бўлиб, буларнинг ичида таълим туризми соҳасида фаолият олиб борадиган фуқаролар ҳам мавжуддир.

2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг №ПФ-158-сонли ““Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга 1-иловадаги 58 мақсад, - Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш, - деб номланган бўлиб, ушбу мақсад доирасида,

⁴⁴ <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-iqtisodiyotni-shakllantirishda-ta-lim-turizmining-rol-i>

⁴⁵ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 128-129 бетлар.

⁴⁶ <https://lex.uz/docs/5841063>

Туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, тиббиёт ва таълим туризми экспортини йилига 1,5 миллиард долларга етказиш⁴⁷, белгиланган.

“Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонга 1-иловадаги 59 мақсад,- Худудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, деб номланган бўлиб, ушбу мақсадда, - Ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматлари, ИТ, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш⁴⁸, вазифалари белгиланган.

Таълим туризми инсоннинг билиш жараёнлари, янги билим ва таассуротлар олиш билан боғлангандир. IRTS 2008 таснифига кўра, таълим туризми кириш туризмнинг алоҳида кичик тури сифатида ажралиб туради ва туристик саёҳат мақсадларига мувофиқ туризмнинг бошқа турларидан фарқланади. Таълим туризми инсон ривожланишига, билимини сифат жиҳатидан яхшилашга ва шахсий ўсишига ҳисса қўшадиган ўқиш ва турмуш тарзи, саёҳат шаклидир. Таълим туризмни ташкил қилишда таълимнинг мақсади, туристик гуруҳ ва ташриф буюрилган минтақанинг ўзига хослиги, саёҳатнинг давомийлиги ва мавсуми, тур иштирокчиларининг ёши, тажрибаси, тайёргарлиги, ўқув гуруҳи учун молиявий ҳаражатлари ҳисобга олинади.

Таълим туризми ўзига хос таснифланиш хусусиятига эга бўлиб, таълим туризми 1. Иштирокчилар таркибига кўра – Мактаб ўқувчилари, талабалар, магистр, PhD, мутахассислар, эркин тингловчилар. 2. Мақсадга кўра – Умумий, кўникмаларни ривожлантириш, касбий кўникмаларни ривожлантириш, таълим олиш, таълим бериш, аралаш (таълим олиш ҳамда таълим бериш). 3. Мавзусига кўра – Кенг қамровли, атроф-муҳит, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар, техникавий, касбий. 4. Иштирокчилар сонига кўра – Индивидуал, гуруҳ. 5. Шакллантирилганлигига кўра – Маҳсус ташкил этилган, ташкиллаштирилмаган. 6. Фаолиятнинг ташкил этилиши – Диалог, виртуал, илмий-амалий анжуманлар, инновацион ярмаркалар. 7. Худудий миқёсига кўра – Маҳаллий, худудий, халқаро. 8. Саёҳат турлари – Тил ўрганиш бўйича турлар, спорт бўйича турлар, Касб-хунар ўрганиш, малака оширишга йўналтирилган турлар. 9. Молиялаштириш манбаларига кўра – Давлат грантлари, ўз маблағлари ҳисобидан, Нодавлатнотижорат ташкилотлар томонидан. 10. Муддатига кўра – Қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли. 11. Иштирокчилар ёшига кўра – 16 ёшгача, 16-25 ёшгача, 25-45 ёшгача, 45-65 ёшгача, 65 ёш ва ундан юқорилар. 12. Кўламига кўра – Ички, кировчи, чиқувчи⁴⁹, каби йўналишларга бўлинади.

Таълим туризми турларидан бири Финляндия таълим тизими бўлиб, 2020 йил 6 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонда мактаб таълими бўйича илғор давлатлар тажрибасини, хусусан Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш вазифаси юклатилди. Фин ўқувчилари PISA тадқиқотидаги барча йўналишларда саводхонлик ва таълим тенглиги

⁴⁷ <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

⁴⁸ <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

⁴⁹ https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/44_Makhmudova.pdf

кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларга эришган бўлиб, PISAнинг ўзига хос хусусияти, у таълим олувчилардан соф билимни эмас, балки турли соҳалардаги саводхонликни баҳолайди. Саводхонлик – “ўқувчиларнинг асосий мавзулар бўйича билим ва кўникмаларни қўллаш қобилияти, турли вазиятларда муаммоларни аниқлаш, талқин қилиш ва ҳал қилишда самарали таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш ва мулоқот қилиш қобилияти” сифатида изоҳланади. PISA дастури доирасида ҳар 3 йилда такрорланувчи циклларда ўқувчиларнинг математик, табиий фанлар ва ўқиш фанлари саводхонлиги баҳоланади⁵⁰. PISA дастури 2000 йилда ташкил этилгандан буён Финляндия унда мунтазам қатнашиб келмоқда ва эришган натижалари билан фин таълим тизими дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Финляндия таълим тизими PISA тадқиқотлари натижалари бўйича узок даврда энг яхши натижаларга эришган давлатлардан бири ҳисобланади. Финляндия PISA тадқиқотларида иштирок этувчи мамлакатлар орасида ўқувчиларнинг ҳафталик ўқув юкмаси энг қисқа давлат ҳисобланади. Энг қисқа ўқиш вақти ва юқори баллар Финляндия таълим тизимининг жозибадорлигини орттирди.

Финляндия таълимининг учта асосий мақсади: 1) ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва кўникмаларни бериш, 2) жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш ҳамда 3) бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида тенгликни таъминлашдан иборатдир. Фин мактабларида дарс жараёнида тўлиқ компьютер ва планшетлардан фойдаланилади.

Финляндия таълим сиёсатида учта муҳим тамойил мавжуд бўлиб, булар: билимга асосланган жамият ҳақидаги қарашларни қўллаб-қувватлаш, таълим тенглигини таъминлаш ва маҳаллий ҳокимият ваколатларини кучайтиришдан иборатдир. Финляндия таълим тизимининг асосини 7 та тамойил ташкил этиб, булар – тенглик, бепул таълим, индивидуаллик, амалийлик, ишонч ва ўқитувчилар салоҳияти, ихтиёрийлик, мустақилликдан иборатдир. Финляндия таълимининг муҳим хусусиятларидан яна бири, у барча даражаларда, яъни мактабгача таълимдан олий таълимга қадар тўлиқ бепул таълим олишни таъминлайди. Шунингдек, барча ўқув материаллари, дарсликлар, соғлиқни сақлаш хизматлари ва мактабга қатнаш транспорт хизматлари, ўқувчиларга тушлик ҳам бепул амалга оширилади. Финляндия муваффақиятининг сабаблари ўқитувчилар салоҳияти, таълим сиёсати ва фин маданияти билан боғлиқ омиллар⁵¹дан иборатдир.

Ўзбекистонда таълим туризмини ташкил қилиш жараёнида жаҳондаги ривожланган давлатлар билан бир қаторда Финляндия таълим тизимидаги ютуқларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар:

1. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/44_Makhmudova.pdf
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-iqtisodiyotni-shakllantirishda-ta-lim-turizmining-rol-i>

⁵⁰ <https://uza.uz/uz/posts/finlyandiya-talim-siyosatining-muhim-tamoyili-yoxud-fin-maktablarining-muvaffaqiyati-nimada-586267>

⁵¹ <https://uza.uz/uz/posts/finlyandiya-talim-siyosatining-muhim-tamoyili-yoxud-fin-maktablarining-muvaffaqiyati-nimada-586267>

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2018 йил, 128-129 бетлар.

4. <https://lex.uz/docs/5841063>

5. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

6. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

7. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/44_Makhmudova.pdf

8. <https://uza.uz/uz/posts/finlyandiya-talim-siyosatining-muhim-tamoyili-yoxud-fin-maktablarining-muvaffaqiyati-nimada-586267>

9. <https://uza.uz/uz/posts/finlyandiya-talim-siyosatining-muhim-tamoyili-yoxud-fin-maktablarining-muvaffaqiyati-nimada-586267>